

Мижозларнинг банк ҳисобварағларига масофавий хизматларни кўрсатиш бўйича **ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ**

Ушбу Оммавий оферта шартномаси (кейинги ўринларда “Оферта”) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 ва 369-моддаларига мувофиқ, юридик шахсларга ва Якка тартибдаги тадбиркорларга банк ҳисобварағларига масофавий хизматларни кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш бўйича юборилган расмий оммавий таклиф бўлиб ҳисобланади.

Оммавий оферта шартномаси Мижоз томонидан банк ҳисобварағи очиш юзасидан мурожаат қилинган аризани тақдим этиш билан ёхуд ушбу шартномага илова қилинган аризани, белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган вақтдан бошлаб тузилган (акцептланган) ҳисобланади ҳамда миждоз мазкур оммавий оферта шартномасининг барча шартларини ва Банк Тарифларига асосан тўловларни тўлашни истисно қилмасдан сўзсиз қабул қилганлигини англатади.

1. УМУМИЙ ТАВСИФЛАР

"SMS-банкнинг" – юридик ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни уяли (мобил) телефон рақамлари орқали банк ҳисобрақамлари айланмалари ва қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни SMS шаклида хабардор қилиш хизмати.

“Банк-миждоз” – Банк тизимида ҳисоб рақамига эга бўлган юридик ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан компьютер қурилмаси орқали ўз ҳисоб рақамларини кузатиш ва тасарруф этиш бўйича дастурий мажмуа.

“Мобил банкнинг” – Банк тизимида ҳисоб рақамига эга бўлган юридик ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мобил қурилма орқали ўз ҳисоб рақамларини кузатиш ва тасарруф этиш бўйича дастурий мажмуа.

2. SMS-БАНКИНГ ХИЗМАТИНИ КўРСАТИШ **ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

2.1.1. Мижоз "SMS-банкнинг" хизматидан уяли телефон орқали фойдаланади. "SMS-банкнинг" хизматидан фойдаланиш “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг "SMS-банкнинг" ахборот тизимида ишлаш Тартибига асосан, уяли телефони ёрдамида SMS-маълумотлар операцияларини амалга ошириш орқали бажарилади.

2.1.2. "SMS-банкнинг" хизмати Мижознинг ёзма мурожаатида қайд этилган уяли телефон ва ҳисобрақамларига кўрсатилади.

2.1.3. "SMS-банкнинг" хизмати орқали қуйидагилар бўйича маълумотлар узатилади:

- Ҳисобрақамнинг жорий қолдиғи;
- Ҳисобрақам бўйича охириги кириш/чиқиш операциялари рўйхати;

2.2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.2.1. Банк мажбурияти:

- Мазкур шартнома акцепланганидан кейин, 3 банк куни ичида Мижозни "SMS-банкнинг" хизматига улаш;
- Мижознинг SMS-сўровига ишлов бериш ва унга жавоб хабарларини юбориш;
- "SMS-банкнинг" хизматидан фойдаланиш юзасидан маслахатлар бериш;

2.2.2. Банк ҳуқуқи:

-Мижоз томонидан "SMS-банкнинг" хизматидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмаганда, шунингдек мазкур шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганда уни ушбу тизимдан вақтинча (*мажбуриятлар бажарилгунига қадар*) ўчириш.

2.2.3. Мижоз мажбурияти:

-Аризада кўрсатилган уяли телефон сим картаси йўқолганда, уяли телефон рақами ўзгарганда (алмашганда) ёки уяли телефон уланган компания томонидан телефон рақами тўлиқ ўчирилганда, шунингдек бегона шахсларнинг рухсатсиз кириши аниқланганда Мижоз бу ҳақида Банкни зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиш;

- "SMS-банкнинг" хизматидан фойдаланиш учун ҳар ойлик тўловини ўз вақтида тўлаб бориш;

- "SMS-банкнинг" хизматига уланган уяли телефон қурилмасига кириш коди махфийлигини таъминлаш.

2.2.4. Мижознинг ҳуқуқлари:

- "SMS-банкнинг" хизматидан фойдаланиш бўйича ахборотлар олиш;

- "SMS-банкнинг" хизматидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиш.

3. "БАНК-МИЖОЗ" ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

- "Банк-мижоз" Дастурий мажмуаси (ДМ) Банк ва Мижоз ўртасида телекоммуникация каналлари орқали маълумотларни электрон шаклда айрибошлашдан иборат.

- "Банк-мижоз" ДМси Мижозга унга берилган электрон калит воситасида компьютер орқали "Банк-мижоз" ДМдан фойдаланишни назарда тутди.

- "Банк-мижоз" ДМси орқали тўловлар Мижоз томонидан фақат тўлов топшириқномаси шаклида амалга оширилади.

- Мижозга тақдим этиладиган электрон калит Банкнинг мулки бўлиб ҳисобланади.

3.2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.2.1. Банк мажбурияти:

- Мазкур шартнома мижоз томонидан акцептланганидан сўнг, 5 банк иш куни ичида Мижознинг вакилларига "Банк-мижоз" ДМсига рухсат очиш, дастурни ўрнатиш ва созлаш;

- "Банк-мижоз" ДМсидан фойдаланиш бўйича логин/пароллар ва электрон калит мижознинг масъул вакилига алоҳида китобга имзо қўйириш орқали топширилади.

- Тўлов ҳужжатларини коммуникация каналлари алоқаси орқали дам олиш ва байрам кунларидан ташқари Банк иш куни (вакти) давомида қабул қилиш.

- "Банк-мижоз" ДМнинг тўлов хизматига доир масалалари юзасидан Мижозга маслаҳатлар бериш.

- Электрон имзо йўқотилганлиги ёки унга рухсатсиз бегона шахсларнинг кирганлиги аниқланганлиги ҳақида Мижознинг ёзма хабари олганидан сўнг, "Банк-мижоз" ДМдан фойдаланишни вақтинча чеклаш;

3.2.2. Банкнинг ҳуқуқлари

- "Банк-мижоз" ДМдан фойдаланган ҳолда хизматларни кўрсатиш жараёнида шубҳали операциялар аниқланган тақдирда, бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида мижоз ёзма тушунтириш бергунга қадар ушбу хизматларни кўрсатишни вақтинча тўхтатиб туриш ёки ушбу хизматларни кўрсатишни рад этиш;

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида "Банк-мижоз" ДМдан фойдаланилганлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганида, мазкур шартномани ўрнатилган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш;

-Мижознинг айби билан йўқотилган, синган ёки ишдан чиққан электрон калит учун Банк тарифларида белгиланган миқдорда тўлов ундириш;

3.2.3.Мижоз мажбурияти:

- “Банк-мижоз” ДМ ишлашини таъминлаш мақсадида зарурий техник воситалар (компьютер, модем, принтер)ни мавжудлигини таъминлаш;

- “Банк-мижоз” тизимига кириш паролларини ошкор қилмаслик, дастур таъминоти ва электрон калитни бошқа ташкилот ва шахсларга, шунингдек “Банк-мижоз” ДМсида рўйхатдан ўтмаган ўзининг ходимларига бермаслик;

- Электрон калит йўқолганда ёки унга бегона шахсларнинг рухсатсиз кирилганлиги фактлари аниқланганда зудлик билан ёзма равишда Банкка тегишли чора кўриш учун хабар бериш;

- Электрон калит йўқотилганда, синган ёки ишдан чиққанда Банк тарифларида белгиланган миқдорда тўловларни тўлаш;

-Шартнома бекор қилинганда, электрон калитни соз ва бут ҳолатда топшириш;

3.2.4.Мижознинг ҳуқуқлари

-Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида, ҳисобрақамидаги пул маблағларни мустақил бошқариш.

- Ҳисобрақамидан ўтказилган операциялар бўйича маълумотлар олиш;

-“Банк-мижоз” тизими бўйича ишлаш қоидаларини ва ушбу қоидаларга киритиладиган ўзгартишларни Банкдан олиш.

4. “МОБИЛ БАНКИНГ” ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

-“Мобил-банкнинг” Дастурий мажмуаси (ДМ) Банк ва Мижоз ўртасида телекоммуникация каналлари орқали маълумотларни электрон шаклда айрибошлаш орқали кўрсатилали.

-“Мобил-банкнинг” ДМси Мижознинг мобил қурилмасига (iOS, андроид операцион тизимида ишловчи) ўрнатилган сертификат воситасида дастурдан фойдаланишни назарда тутди.

- “Мобил-банкнинг” ДМси орқали тўловлар Мижоз томонидан фақат тўлов топшириқномаси шаклида амалга оширилади.

- Мижозга тақдим этиладиган сертификат Банкнинг мулки бўлиб ҳисобланади.

4.1.ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1.1. Банк мажбуриятлари:

- Мазкур шартнома мижоз томонидан акцептланганидан сўнг, 5 банк иш куни ичида Мижознинг масъул ходимига тегишли мобил қурилмасига “Мобил-Банкинг” ДМга киришга рухсат очиш, дастурни ва тегишли сертификатни ўрнатиш;

“Мобил-Банкинг” ДМсидан фойдаланиш бўйича логин/пароллар ва электрон сертификатни мижознинг масъул вакилига алоҳида китобга имзо қўйдириш орқали топшириш;

-Тўлов ҳужжатларини коммуникация каналлари алоқаси орқали дам олиш ва байрам кунларидан ташқари Банк иш куни (вақти) давомида қабул қилиш.

“Мобил-Банкинг” ДМнинг тўлов хизматида доир масалалари юзасидан Мижозга маслаҳатлар бериш.

- Мобил қурилма йўқотилганлиги ёки унга рухсатсиз бегона шахсларнинг кирганлиги аниқланганлиги ҳақида Мижознинг ёзма хабари олганидан сўнг, “Мобил-Банкинг” ДМдан фойдаланишни вақтинча чеклаш;

4.1.2. Банкнинг ҳуқуқлари

- “Мобил-банкнинг” ДМдан фойдаланган ҳолда хизматларни кўрсатиш жараёнида шубҳали операциялар аниқланган тақдирда, бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида миждоз ёзма тушунтириш бергунга қадар ушбу хизматларни кўрсатишни вақтинча тўхтатиб туриш ёки ушбу хизматларни кўрсатишни рад этиш;

-Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида “Мобил-банкнинг” ДМдан фойдаланилганлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганида, мазкур шартномани ўрнатилган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш;

4.1.3. Миждоз мажбурияти:

- Шартномани акцептлаш чоғида “Мобил-Банкинг” ДМси ишлашини таъминлаш мақсадида соз ҳолатда бўлган техник воситалар (смартфонлар ёки планшетлар)ни мавжудлигини таъминлаш;

- “Мобил-Банкинг” тизимига кириш паролларини ошкор қилмаслик, мобил қурилмани бошқа ташкилот ва шахсларга бермаслик;

- Мобил қурилма йўқолганда ёки унга бегона шахсларнинг рухсатсиз қирилганлиги фактлари аниқланганда зудлик билан ёзма равишда Банкка тегишли чора кўриш учун ҳабар қилиш;

- шартнома бекор қилинганда, “Мобил-Банкинг” ДМси ўрнатилган мобил қурилмани Банк маъсул ходимига тақдим этиш. Бунда, маъсул ходим мобил қурилмага ўрнатилган сертификатни ўчиргандан сўнг, қурилмани ўз эгасига қайтариб беради;

- мобил қурилмани ва ундаги дастурларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қурилмага антивирус дастурини ўрнатиш ва тегишли муддатларда антивирус базасини янгилаб бориш;

- мобил қурилмадан фойдаланиш тўхтатилганда қурилмага ўрнатилган “Мобил-Банкинг” дастурни ўчириш;

4.1.4. Миждоз ҳуқуқлари:

-Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида, ҳисобрақамидаги пул маблағларни мустақил бошқариш.

-Ҳисобрақамидан ўтказилган операциялар бўйича маълумотлар олиш;

-“Мобил-банкнинг” тизими бўйича ишлаш қоидаларини ва ушбу қоидаларга қиритиладиган ўзгаришларни Банкдан олиш.

5. БАНК ХИЗМАТЛАРИГА ТЎЛАНАДИГАН ҲАҚ МИҚДОРИ ВА ТАРТИБИ

5.1. Банкнинг мазкур оферта шартномасида келтирилган масофавий банк хизматларига миждозларни улаш, уларга электрон рақамли имзо тақдим этиш ва дастур воситалари ўрнатиш бепул тақдим этилади, бундан миждозларни ушбу банк хизматларига такрорий улаш холлари мустасно.

5.2. Банк томонидан ушбу шартномага асосан кўрсатилган масофавий банк хизматлари учун Банк тарифларида белгиланган миқдорда ҳақ олинади.

5.3. Масофавий банк хизматлари учун ҳақ миждоз дастурга уланган ойдан бошлаб ҳисобланади, бунда хизматлардан фойдаланиш банк томонидан чекланганда ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча тўхтатилганида, хизмат кўрсатилиши тўхтатилган ойнинг кейинги ойдан бошлаб ҳақ олинмайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мижоз электрон пул-ҳисоб китоблар ҳужжатларини тўғри шаклланиши, шартли белгилаш ва алоқа каналлари орқали уларни банкка тақдим этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги талабларига, таъминот воситалари ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш учун жавобгардир.

6.2. Банк Мижоз ҳисобрақамларига пул маблағларни тўғри киритиб қўйиш ва ҳисобварақлардан чиқариш ҳамда маълумотларни электрон тўлов тизими орқали ўз вақтида ўтказилиши учун жавобгардир.

6.3. Мазкур шартнома бўйича томонлар зиммасига олинган мажбуриятларни бузганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

6.4. Мижоз электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини 24/7 куну-тун тартибида амалга оширилишида уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан жавобгар ҳисобланади, бундай ҳолларда Банк амалга оширилган тўловлар бўйича жавобгар бўлмайди.

7. ФОРС - МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Шартнома тузилганидан сўнг, бир томон иккинчи томон олдида уларнинг ихтиёри ва хоҳишидан ташқари, олдиндан кўриб бўлмайдиган ва олдини олиб бўлмайдиган, жумладан, сув тошқини, ёнғин, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида келиб чиққан вазиятларда мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Банк мазкур шартноманинг 7.1. бандида кўрсатилган форс-мажор ҳолатларидан ташқари қуйидаги ҳолатларда ҳам жарима тўлашдан озод этилади:

- банклараро электрон тўлов тизимида юзага келиши мумкин бўлган узилишлар рўй берганда;

- мижоз томонидан амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган электрон тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;

- қонунчиликда белгиланган тартибда Банк ёки Мижоз ҳисобрақамларидан операциялар тўхтатилганда;

- банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра электр қувватининг вақтинчалик мавжуд бўлмаганда;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклараро телекоммуникацион тизими авария ҳолатида ўчирилганда.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келиб чиққан низо ва келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди орқали ҳал этилади.

9. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

9.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда акцептланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилинмагунига қадар амал қилади.

9.2. Мазкур шартнома мижоз томонидан ёзма равишда мурожаат қилган ҳар қандай вақтда, шунингдек ҳисоб рақам бошқа банкка ўтказилганида ёхуд мижоз фаолияти белгиланган тартибда тугатилган тақдирда бекор қилинган ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган, у билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.